

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 16 ” август №ПҚ-4420 “ ” 20 г.

**Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қорақўл тери етиштириш, чўл озубоқ экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қорақўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда соҳада мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Хусусан, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, чўл яйлов озубоқ ўсимликлар уруғчилиги майдонларини кенгайтириш, соҳада экспортбоқ қорақўл ва қорақўлча тери етиштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ва хом ашёлардан тиббиёт мақсадлари учун фойдаланиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Республикада қорақўл зотли қўйлар бош сони ва қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш, қорақўлчилик маҳсулотларини, хом ашёларини чуқур қайта ишлаш ва тиббиёт мақсадлари учун кенг фойдаланиш ҳамда соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2019–2021 йилларда **қорақўл зотли қўйлар бош сони, жун ва қорақўл тери ишлаб чиқаришни қўпайтиришнинг прогноз параметрлари 1, 1а, 1б-иловаларга мувофиқ;**

қорақўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этувчи корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

қорақўлчилик соҳасида экспортбоқ қорақўлча тери етиштириш ва тиббиёт учун ноёб доривор воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қорақўлчилик хом ашёси етказиб бериш корхоналари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

яйловлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида **чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш параметрлари 4-иловага мувофиқ;**

наслчилик қорақўлчилик хўжаликларига кучли озукалар етиштириш мақсадида талаб этиладиган **суғориладиган ер майдонларини ажратиш параметрлари** 5-иловага мувофиқ;

ўрмон хўжалиги ташкилотларига қарашли узоқ чўл ҳудудларидаги наслчилик қорақўлчилик хўжаликларининг сув чиқариш иншоотлари жойлашган наслчилик **қорақўлчилик хўжаликларига ажратиладиган яйлов ер майдонлари** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси, “Халқ банки” АТБ билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ белгиланган прогноз параметрлар ижросини таъминлаш юзасидан **туманлар ва қорақўлчилик субъектлари кесимида манзилли чора-тадбирларни** тасдиқласин ҳамда уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга **6-иловада назарда тутилган ўрмон билан қопланмаган яйлов ер майдонларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ўрмон хўжалиги ташкилотларидан наслчилик қорақўлчилик хўжаликларига ажратиб берилишини** таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси, Навоий ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларининг Навоий вилоятида қорақўл зотли қўйларнинг **сур ранги** бўйича, Қашқадарё вилоятида **қора ва кўк ранги** бўйича юқори элита синфли наслдор қорақўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган **Илмий-наслчилик тажриба станцияларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Илмий-наслчилик тажриба станцияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори наслдор элита синфига мансуб сур, қора ва кўк рангли қорақўл зотли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш;

отарларда наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, бунда ранглар бўйича қимматли экспортбоп ярим доира қаламгул, қовурғасимон ва ясси гул типидagi қорақўл қўйлар селекциясига алоҳида эътибор қаратиш;

серпушт қорақўл қўйларни ўзаро жуфтлаш орқали жаҳон мўйна бозорлари талабидан келиб чиқиб, қорақўл терининг рақобатбардош турларини яратиш;

етиштирилган юқори маҳсулдор қорақўл қўй ва кўчқорларни аҳоли хонадонларига, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига тизимли равишда етказиб беришни йўлга қўйиш.

Ушбу станцияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилансинки, 2019–2023 йилларда қоракўлчилик хўжаликларига етиштириб экспортга сотилган ҳар бир дона қоракўл териси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **50 минг сўмдан** ва ҳар бир дона қоракўлча териси учун **75 минг сўмдан** субсидиялар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. Республикада қоракўлчилик соҳасида наслчилик селекция ишларини такомиллаштириш, жаҳон бозори талабларига мос бўлган рақобатбардош қоракўл териси ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ҳузурида **Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан фоиз тўловларисиз қайтариш шарти билан 7 йил муддатга 2019–2020 йилларда ажратиладиган **50 млрд сўм**;

Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига аъзо ташкилотларнинг ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари;

ҳалқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

наслчилик-селекция ишларини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш;

қоракўлчилик соҳасида экспортбоп қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш;

қоракўлчилик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш;

соҳада ресурс тежамкор ускуналар сотиб олиш ва озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этиш ҳамда қоракўлчилик субъектлари томонидан кишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини сотиб олишни молиялаштириш;

узок чўл ҳудудларида сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилиш;

соҳага янги замонавий технологиялар, инновацион ғоялар ва ишланмаларни олиб келиш ҳамда жорий этиш;

мутахассисларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши, соҳадаги кадрлар малакасини ошириш, шу жумладан ёш мутахассисларнинг хорижда ўқиши, стажировка ўташи, хорижий мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни коплаш;

Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишчи ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш;

Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига юклатилган бошқа вазифалар ижросини таъминлаш.

8. Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағнинг 70 фоизини “Халқ банки” АТБ орқали қоракўлчилик субъектларига 3 йил муддатга йиллик 5 фоизлик, шу жумладан 1,5 фоизи банк маржаси, кредит сифатида ажратиш ҳақидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргаликда қоракўлчилик хом ашёлари асосида яратиладиган ноёб дори воситалари – иммунитетни тикловчи **“Тимоптин инъекцияси”** ва камконликда қўлланиладиган **“Эритим”** препаратларини ишлаб чиқаришни **10 бараваргача ошириш** чораларини кўрсин ва ушбу мақсад учун талаб этиладиган маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қоракўлчилик хом ашёлари асосида яратиладиган **Кардин** ва **Афлан** дори воситаларининг клиник синовларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу ишланмаларни грант маблағлари билан таъминласин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси қоракўлчилик субъектларида қоракўл зотли қўйларнинг:

бош сони, генофондини сақлаш ва такомиллаштириш, наслчилик-селекция ишлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юзасидан даврий мониторинг ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширади;

генофондини сақлаш, бошқа зотли қўйлар билан чатиштирамаслик ҳамда бириктирилган ер (яйлов) майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида зарур тавсиялар беради.

13. Наслчилик қоракўлчилик хўжаликларига қаршли яйловларни туман ҳокимлиги захирасига олиш, шунингдек, бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериш Республика “Қоракўлчилик” уюшмасининг розилиги билан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринда – Марказ) “Ўзбекчорванасл” агентлиги таркибига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ ўз фаолиятини бевосита Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

Самарқанд шаҳри, Хишрав кўрғони, Самарқанд кўчаси, 1-уйда жойлашган Самарқанд кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг маъмурий биносини тегишли ҳудудлари билан биргаликда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига оператив бошқариш ҳукуқи асосида бепул бериш;

Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уйда жойлашган Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудудлари билан бирга Самарқанд вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига оператив бошқариш ҳукуқи асосида бепул бериш;

Самарқанд вилояти Ҳайвонлар касалликлари ташҳиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Самарқанд вилояти “Чорванасл” марказини Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй манзилида жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги мазкур бандда кўрсатилган бино ва иншоотларнинг белгиланган тартибда қабул қилиниши ва топширилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурлари ва илмий мавзуларни шакллантиришда ветеринария, қоракўлчилик ва чорвачилик соҳасида юқори сифатли ветеринария воситалари, наслчилик ишларини юритишнинг ҳамда юқори ҳосилдор озуқа экинларининг янги навларини яратиш ва уруғчилигини йўлга қўйишнинг замонавий усул ва технологиялари ишлаб чиқилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргаликда қоракўлчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
1-илова

2019–2021 йилларда қорақўл зотли қўйлар бош сонини кўпайтиришнинг прогноз параметрлари

(минг бош)

Т/р	Худудлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2018 йилга нисбатан кўпайиш	
						бош сони	фонзда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	327	347	382	412	85	126
2.	Бухоро вилояти	1 839	1 968	2 125	2 306	467	125
3.	Жиззах вилояти	79	85	92	100	21	126
4.	Қашқадарё вилояти	1 701	1 812	1 947	2 118	417	125
5.	Навоий вилояти	1 448	1 549	1 672	1 814	366	125
6.	Самарқанд вилояти	431	461	498	540	109	125
7.	Сурхондарё вилояти	45	48	52	56	11	125
Жами:		5 870	6 270	6 768	7 346	1 476	125,1

2019-2021 йилларда жун ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг прогноз параметрлари

(тонна)

Т/р	Худудлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2018 йилга нисбатан кўпайиш	
						миқдори	фоизда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	392	416	452	490	98	125
2.	Бухоро вилояти	2 553	2 731	2 935	3 199	646	125
3.	Жиззах вилояти	150	161	173	188	38	125
4.	Қашқадарё вилояти	2 673	2 834	3 032	3 329	656	125
5.	Навоний вилояти	2 867	3 068	3 312	3 577	710	125
6.	Самарқанд вилояти	430	460	494	538	108	125
7.	Сурхондарё вилояти	65	70	75	82	17	126
Жами:		9 130	9 740	10 473	11 403	2 273	125,1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
16-илова

2019-2021 йилларда қорақўл тери ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг прогноз параметрлари

(минг дона)

Т/р	Худудлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2018 йилга нисбатан кўпайиш	
						микдори	фонзда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	81,4	87,0	93,9	101,9	20,5	125
2.	Бухоро вилояти	414,8	443,0	478,4	519,1	104,3	125
3.	Жиззах вилояти	2,5	2,7	2,9	3,2	0,7	128
4.	Қашқадарё вилояти	174,5	186,0	200,8	217,9	43,4	125
5.	Навоий вилояти	261,4	279,7	302,0	327,7	66,3	125
6.	Самарқанд вилояти	62,5	66,8	72,1	78,3	15,8	125
7.	Сурхондарё вилояти	6,7	7,2	7,8	8,5	1,8	127
Жами:		1 003,8	1 072,4	1 157,9	1 256,6	252,8	125,7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
2-илова

**Қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этувчи корхоналар
РЎЙХАТИ**

Худудлар	Қайта ишлашни ташкил этадиган корхона	Лойиҳа йўналиши	Лойиҳа қиймати (млрд сўм)	Шундан:		Йиллик қайта ишлаш қуввати	Ишга тушириш муддати
				ўз маблағи	Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари		
Қашқадарё вилояти, Муборак тумани	“Муборак” МЧЖ	Қоракўл ва қўй териларини қайта ишлаш	8	4	4	100 минг дона қоракўл териси	2019 йил октябрь
						70 минг дона қўй териси	
Навоий вилояти, Конимех тумани	“Қоракўл жозибаси” шўъба корхонаси	Қоракўл ва қўй териларини қайта ишлаш	8	2	6	100 минг дона қоракўл териси	2019 йил октябрь
						70 минг дона қўй териси	
Бухоро вилояти, Когон тумани	“Когон чинор чорваси” МЧЖ	Қоракўл ва қўй териларини қайта ишлаш	15	3	12	150 минг дона қоракўл териси	2019 йил декабрь
						70 минг дона қўй териси	
Жами:			31	9	22	560 минг дона	

**Қоракўлчилик соҳасида экспортбон қоракўлча тери етиштириш ва тиббиёт учун ноёб доривор воситалар ишлаб
чиқаришда фойдаланиладиган қоракўлчилик хом ашёси етказиб бериш корхоналари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Корхоналар номи	Экспортбон қоракўлча тери ишлаб чиқариш (дона)			Ноёб доривор восита ишлаб чиқариш учун тимус етказиб бериш (кг)			Гўшт етиштириш (тонна)		
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Бухоро вилояти	“Когон чинор чорва” МЧЖ (Когон тумани)	6 000	8 000	10 000	60	80	100	120	160	200
2.	Қашқадарё вилояти	“Ўзбекистон қоракўл наслчилики” МЧЖ (Миришкор тумани)	600	750	925	6	7,5	9	12	15	18,5
		“Ғ.Ғулом қоракўл наслчилики” МЧЖ (Миришкор тумани)	250	325	400	2	3	4	5	6,5	8
		“Нишон қоракўл наслчилики” МЧЖ (Нишон тумани)	400	550	650	4	5,5	6,5	8	11	13
		“Муборак қоракўл наслчилики” МЧЖ (Муборак тумани)	1 950	2 400	2 900	20	24	29	39	48	58
		“Ғуздор қоракўл наслчилики” МЧЖ (Ғуздор тумани)	1 200	1 600	2 100	12	16	21	24	32	42
		“Пачкамар қоракўл наслчилики” МЧЖ (Ғуздор тумани)	350	450	650	4	4,5	6,5	7	9	13
		“Турон қоракўл наслчилики” МЧЖ (Косон тумани)	250	325	400	2	3	4	5	6,5	8
		“М.Ибрагимов қоракўл наслчилики” МЧЖ (Дехқонобод тумани)	400	450	650	4	5	7	8	9	13
		“Қўнғирот қоракўл наслчилики” МЧЖ (Дехқонобод тумани)	600	750	925	6	7,5	9	12	15	18,5
3.	Навоий вилояти	“Зарафшон бўрдоқчилик” МЧЖ (Қизилтепа тумани)	7 000	7 700	8 500	70	77	85	140	154	170
		“Конимех Чардара” МЧЖ (Конимех тумани)	3 000	3 300	3 500	30	33	35	60	66	70
Жами:			22 000	26 600	31 600	220	266	316	440	532	632

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
4-илова

**Чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш
ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Худудлар	Чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилик майдонини ташкил этувчи субъектлар	Жами ташкил этиладиган уруғчилик майдонлари (гектар)	Шу жумладан:		
				2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	200			200
2.	Бухоро вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	3 000	1 000	1 000	1 000
3.	Жиззах вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	300		100	200
4.	Қашқадарё вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	1 500		500	1 000
5.	Навоий вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	2 000	1 000		1 000
		Навоий Қизилқум илмий-тадқиқот тажриба станцияси	500	100	200	200
6.	Самарқанд вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	1 000		500	500
7.	Сурхондарё вилояти	Бухоро чўл яйлов ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази	200			200
Жами:			8 700	2 100	2 300	4 300

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
5-илова

**Наслчилик қоракўлчилик хўжаликларига кучли озуқалар етиштириш мақсадида талаб этиладиган
суғориладиган ер майдонлари ажратиш
ПАРАМЕТРЛАРИ**

Туманлар	Субъектлар номи	Талаб этиладиган сувли майдон (гектар)	шу жумладан:	
			арпа ва жўхори экиш учун (гектар)	беда экиш учун (гектар)
Бухоро вилояти				
Олот	“Олот қоракўл наслчилик” МЧЖ	40	40	
Жондор	“А.Темур қоракўл наслчилик” МЧЖ	57	57	
Шофиркон	“Ғалаба қоракўл наслчилик” МЧЖ	87	87	
Пешку	“Жонгелди қоракўл наслчилик” МЧЖ	40	40	
Қоракўл	“Қоракўл наслчилик” МЧЖ	57	57	
Қоровулбозор	“Қоровулбозор қоракўл наслчилик” МЧЖ	144	144	
Ғиждувон	“Кўкча қоракўл наслчилик” МЧЖ	65	65	
Когон	“Когон Чинор чорваси (бўрдокилаш)” МЧЖ	100	50	50
Жиззах вилояти				
Фориш	“Голден Территория” МЧЖ	33	33	
Қашқадарё вилояти				
Миришкор	“Ўзбекистон қоракўл наслчилик” МЧЖ	90	90	
	“Ғ.Ғулом қоракўл наслчилик” МЧЖ	39	39	
Нишон	“Нишон қоракўл наслчилик” МЧЖ	61	61	
Муборак	“Муборак қоракўл наслчилик” МЧЖ	268	268	
Ғузор	“Ғузор қоракўл наслчилик” МЧЖ	190	190	
	“Пачкамар қоракўл наслчилик” МЧЖ	59	59	
Косон	“Турон қоракўл наслчилик” МЧЖ	39	39	
Дехқонобод	“М.Ибрагимов қоракўл наслчилик” МЧЖ	63	63	
	“Қўнғирот қоракўл наслчилик” МЧЖ	88	88	

Навоий вилояти				
Конимех	“Сарибел сур қоракўл” МЧЖ	105	105	
	“Янгигазгон Нурли диёр” МЧЖ	108	108	
	“Канимех Саржал Косай” МЧЖ	67	67	
	“Елтай кумуш сур маскани” МЧЖ	58	58	
	“Қошқудук дўстлик кумуш сур” МЧЖ	44	44	
	“Қалмуратказган-чорвадор маскани” МЧЖ	22	22	
	“Қоракўл-Учтепа Сур” МЧЖ	122	122	
	“Канимех-Чардара (бўрдокилаш)” МЧЖ	60	50	10
Нурота	“Истиклол қоракўл наслчилик” МЧЖ	123	123	
	“Ғазгон наслчилик” МЧЖ	82	82	
	“Нурота қоракўл наслчилик” МЧЖ	190	190	
	“Қизилча қоракўл наслчилик” МЧЖ	105	105	
Қизилтепа	“Зарафшон (бўрдокилаш)” МЧЖ	100	50	50
Самарқанд вилояти				
Нуробод	“Тутли қоракўл замини” МЧЖ	58	58	
	“Сахоба ота қоракўл насл” МЧЖ	58	58	
	“Тим агрор чорвадорлари” МЧЖ	35	35	
	“Нурли эл чорвадори” МЧЖ	125	125	
	“Олға қоракўл наслчилик” МЧЖ	25	25	
	“Каттақўрғон” МЧЖ	50	50	
Пахтачи	“Қарнабота қоракўл наслчилик” МЧЖ	58	58	
Сурхондарё вилояти				
Қумқўрғон	“Боботоғ сури қоракўлчилик” МЧЖ	120	120	
Жами:		3 235	3 125	110

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон қарорига
6-илова

**Ўрмон хўжалиги ташкилотларига қарашли узоқ чўл ҳудудларидаги наслчилик қоракўлчилик хўжаликларининг
сув чиқариш иншоотлари жойлашган наслчилик қоракўлчилик хўжаликларига ажратиладиган яйлов ерлари
МАЙДОНЛАРИ**

№	Ҳудудлар	Туманлар	Наслчилик қоракўлчилик хўжаликлари номи	Яйлов ер майдонларида жойлашган сув иншоотлари сони	Сув иншоотлари жойлашган яйлов ерларининг майдонлари (гектар)
1.	Бухоро вилояти	Олот	“Олот” МЧЖ	3	3 000
2.		Жондор	“Амир Темур” МЧЖ	12	25 000
3.		Шофиркон	“Ғалаба” МЧЖ	3	20 000
4.		Қоракўл	“Қоракўл” МЧЖ	2	5 000
5.		Қоровулбозор	“Қоровулбозор” МЧЖ	7	3 000
6.		Ғиждувон	“Кўкча” МЧЖ	4	28 000
7.	Қашқадарё вилояти	Муборак	“Муборак” МЧЖ	5	10 000
8.		Деҳқонобод	“Кўнгирот” МЧЖ	4	3 500
9.	Навоий вилояти	Конимех	“Сарибел сур қоракўл” МЧЖ	4	5 000
10.			“Янгиғозгон Нурли Диёр” МЧЖ		
11.			“Канимех Саржал Косай” МЧЖ	7	50 000
12.			“Елтой кумуш сур маскани” МЧЖ	17	45 000
13.			“Кўшқудук дўстлик кумуш сур” МЧЖ		
14.			“Калмуратқазган-чорвадорлар макони” МЧЖ		
15.		“Қоракўл Учтепа Сур” МЧЖ	21	61 642	
16.		Нурота	“Қизилча қоракўл наслчилик” МЧЖ		450
17.			“Нурота қоракўл наслчилик” МЧЖ	14	4 000
Жами:				103	263 592

